Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TÚRKISTAN

# Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 18 февраль, сешанба, №19 (3520).

Президент



## ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ

**Қасим-Жўмарт Тўқаев Александр Вучични Сербия Давлатчилик куни билан муборакбод этди.**

Қозоғистон Президенти ўз шошилинчномасида Сербияни Болқон ярим оролида барқарор тараққиёт, ривожланган инфратузилма ва бой маданий меросга эга мамлакат сифатида тилга олди.

Давлат раҳбари икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ниятида эканини таъкидлади. Қ. Тўқаев Президент Александр Вучичга ўзининг самимий табригини етказиб, серб мамлакатининг тараққиётига тилакдошлигини маълум қилди.

**Akorda.kz. маълумотлари асосида.**



# ДАВЛАТ РАҲБАРИ ПОЙТАХТ МУАССАСАЛАРИДА

### ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ САНЪАТИ УНИВЕРСИТЕТИГА ТАШРИФ БУЮРИБ, ЯНГИЛАНАЁТГАН БИНОНИ КЎЗДАН КЕЧИРДИ

**Қасим-Жўмарт Тўқаев К. Басейитова номидаги Қозоқ миллий санъат университетида олиб борилаётган таъмирлаш жараёни билан яқиндан танишди.**

Давлат раҳбари таълим муассасасини пардозлаш ва жиҳозлашни такомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди. Таъмирлаш натижасида таълим муассасаси бош биноси майдони 10 минг квадрат метрга кенгайиб, қарийб 38 минг квадрат метрни ташкил этади.

Бино замонавийлаштирилиб, ихтисослаштирилган ўқув хоналари барпо этилмоқда. 1100 ўринли катта концерт зали фойдаланишга топширилади, бу кенг кўламли тадбирларни ўтказиш имконини беради. Бундан ташқари, бинода академик мусиқа учун махсус зал, турли студиялар, ижодий ишлар кўргазмалари учун галереялар ўрин олади.

**Akorda.kz. маълумотлари асосида.**



# 40 ОИЛАГА – ЯНГИ УЙЛАР

**Вилоятимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш ишлари давом этмоқда. Бу йўналишда Қазиғурт туманида икки қаватли бешта уйнинг қурилиши ниҳоясига етказилди. Якшанба куни вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров туманга амалий ташрифи давомида бошпана олиш учун навбатда турган 40 оилага янги хонадон калитларини топширди.**

– Президент Қасим-Жўмарт Кемелули аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш юзасидан топшириқ берди. Вилоятимизда қурилиш ишларининг кўлами йил сайин ошиб, кўп қаватли уйлар қад ростлаб, фойдаланишга топширилмоқда. Барчангизни янги бошпана билан табриклайман! – деди Нуралхан Кўшеров.

Ушбу уйларнинг қурилиши «Urba Standart» компанияси томонидан амалга оширилди.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

## 2025 ЙИЛГИ ҚИШКИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ: ҚОЗОҒИСТОН ТЎРТИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ

HARBIN 2025 ASIAN WINTER GAMES



**Харбин шаҳрида (Хитой) 2025 йилги қишки Осиё ўйинлари якунланди. Унинг натижаларига кўра, Қозоғистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллади.**

Хитойлик спортчилар 85та медаль (32та олтин, 27та кумуш ва 26та бронза) билан биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин 45та медаль (16та олтин, 15та кумуш ва 14та бронза) билан Жанубий Кореяга насиб этди, Япония эса 37та медаль (10та олтин, 12та кумуш ва 15та бронза) билан кучли учликни якунлади. Қозоғистон терма жамоаси 20та медални қўлга киритди: 4та олтин, 9та кумуш ва 7та бронза.

7 февраль куни Харбин шаҳрида бошланган IX қишки Осиё ўйинларида 137 нафар қозоғистонлик спортчи иштирок этди.

Ўйинларга Осиёнинг 32 давлатидан жами 1000дан ортиқ спортчи ташриф буюрди.

**24.kz. маълумотлари асосида.**

# САЙЁДЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА МУСОБАҚАСИ

**Тўлебий туманида ёшлар орасида йиртқич қушлар билан ов қилувчи усталарнинг XVI республика чемпионати ўтди. Унда юртимизнинг 8 вилоятидан келган ёшлар миллий спорт туридан уюштирилган мусобақада иштирок этди. Тадбирда Туркистон вилоятидан 14 спортчи иштирок этди.**




Мусобақанинг очилиш маросимида вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Алмасбек Нақипбеков, ҚР Сайёдлар федерацияси вице-президенти Бағдат Муптекеқизи, сайёдлик бўйича давлат мураббийи Кунтуған Базарбек, Тўлебий тумани ҳокими ўринбосари Бағдат Жанғазиев ва бошқалар сўзга чиқиб, ота-боболаримизнинг табиат билан уйғунликда ҳаёт кечириб, ўзларини унинг ажралмас қисми деб билгани ва бу асосий ҳаётий тамойил Буюк Даштни макон этган халқларнинг дунёқараши ва қадриятларини шакллантирганини таъкидлаб, миллий спортнинг ушбу тури билан шуғулланаётган ёшларга муваффақиятлар тиладилар.

– Халқимиз маънавий бойлигининг алоҳида белгиси – "ов услуби" саньати. Ҳайвонлар тимсолидан турмушда фойдаланиш одам ва табиат ўзаро муносабатларининг рамзига айланиб, кўчманчиларнинг маънавий йўналишини белгилаб берган. Бу борада, ов услуби аждодларимизнинг алоҳида иш тажрибаси бўлганини кўрсатади. Умуман, "ов услуби" феномени дунё санъатидаги буюк доволардан бири саналади, – деди туман ҳокими ўринбосари Бағдат Жанғазиев ва беллашув ғолибларига эсдалик совғалари ва пул мукофотлари топширилди.

**"Жанубий Қозоғистон" мухбири.**

## Қозоғистон жаҳон ОАВларида




**Anadolu:**

***Россия билан ҳамкорлик***

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Россия Хавфсизлик кенгаши котиби Сергей Шойгуни қабул қилди. Учрашувда Қозоғистон ва Россия ўртасидаги турли соҳалардаги икки томонлама шериклик ва минтақавий хавфсизлик юзасидан ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбари Астана шаҳрига махсус ташриф билан келган Сергей Шойгуни қабул қилиб, халқаро вазиятга баҳо берди.

– Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқалар муваффақиятли ривожланмоқда. 171та лойиҳа бўйича келишувга эришилди. Бугунги кунда Россия Қозоғистон иқтисодиётининг асосий сармоядорларидан бирига айланди. Мамлакатларимиз ҳуқуқ-тартибот ва ҳарбий идоралари ўртасидаги алоқалар ҳам муваффақиятли ривожланади, деб ўйлайман. Сизнинг ташрифингиз икки томонлама ҳамкорликнинг янги йўналишлари бўйича келишувларга эришиш учун ажойиб имконият яратади, деб ўйлайман, – деди Қ. Тўқаев.

Учрашувда Қозоғистон – Россия хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

**Daryo:**

***Қозоғистон 2025–2026 йилларда қишлоқ хўжалигига сунъий заковатга асосланган технологияларни жорий қилишни режалаштирмоқда***

2025-2026 йилларда Қозоғистон қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш, ердан фойдаланиш соҳасида суиистеъмолчилик, қонунбузарликларнинг олдини олиш ва ҳосилдорликни ошириш учун сунъий заковатга асосланган технологияларни жорий этиш нияти.

Бу ҳақда Рақамли тараққиёт, инновациялар ва аэрокосмик саноат вазири ўринбосари Дмитрий Мун Ҳукумат йиғилишида маълум қилиб, қишлоқ хўжалигини ислоҳотлаш учун рақамлаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Мамлакат жорий йилда бир нечта СЗ лойиҳаларини ишга туширишни режалаштирмоқда. Бундай технологиялар, қишлоқ хўжалиги экспорти бўйича дунёда иккинчи ўринда турадиган Нидерландияда кенг қўлланилмоқда.

**CentralAsia:**

***Қасим-Жўмарт Тўқаев Тожикистон Ташқи ишлар вазири билан учрашди***

Қозоғистон Президенти Астана шаҳрига расмий ташриф билан келган Тожикистон Ташқи ишлар вазири Сирожиддин Муҳриддин билан учрашди. Томонлар мамлакатлараро муносабатларнинг ривожланиш даражасини баҳолаб, савдо-иқтисодий ва хавфсизлик соҳаларидаги алоқаларни муҳокама қилдилар.

Давлат раҳбари ўтган йили имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома Астана ва Душанбе ўртасидаги кўп қиррали ва муваффақиятли ҳамкорликда муҳим босқич бўлганини таъкидлади.

– Биз Тожикистон билан дўстона муносабатларимизни юксак қадрлаймиз. Икки давлат ўртасида ҳал этилмаган муаммо йўқ. Қозоғистон халқи қардош тожик халқига алоҳида эҳтиром кўрсатади. Мамлакатларимиз ҳамиша бир-бирини қўллаб-қувватлаб келган. Бу икки томонлама муносабатларни фаол ривожлантиришга интилишимизда ҳам яққол намоён бўлмоқда, – деди Президент.

**Euronews:**

***Голливуддан кинонинг олтин даврига***

Euronews телеканалининг Voices From Central Asia рукнида намойиш этилган навбатдаги кўрсатув қозоғистонлик рассом ва безакчи Айгерим Карибаеванинг ижодига бағишланди. Дастур телетомошабинларга рассомнинг этнозамонавийлашув услубини қандай ишлаб чиққани ҳақида маълумот бериб, санъат ва анъана уйғунлаштирилган асарларини тақдим этди.

**24.kz. маълумотлари асосида.**



## ҚОЗОҒИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН САВДО МАРКАЗЛАРИ БАРПО ЭТИЛАДИ

**Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасида ушбу мамлакатда фаолият юритаётган қозоғистонлик тадбиркорлар билан учрашув ўтди.**

Учрашувда икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

– Ўтган йили ёзда Қозоғистонда ҳукуматлараро комиссия йиғилишини ўтказдик. Унинг доирасида Астана ҳокими билан учрашув ташкил этилди ва меморандум имзоланди. Ўша ҳужжатга кўра, Ўзбекистон томонига пойтахтдан ер, худди шундай тартибда Тошкент шаҳридан Қозоғистон учун ер ажратиш кўзда тутилган. Савдо марказлари ўша майдончаларда қурилиши керак. Кейинчалик бу орқали Ўзбекистон маҳсулотларини Астанада, Қозоғистон маҳсулотларини эса Тошкентда сотиш имкониятини пайдо бўлади, – деди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Дилшод Расулов.

**24.kz. маълумотлари асосида.**



# ЧОРДАРАДАГИ 1200 ЎРИНЛИ МАКТАБ ҚУРИЛИШИ ЯКУНЛАНДИ

**Минтақа раҳбари Н. Кўшеров Чордара туманига хизмат сафари чоғида «Бадастир мактаб» миллий лойиҳаси доирасида қад ростлаган 1200 ўринли таълим даргоҳини оралаб, қурилиш сифатини назорат қилди.**

Ушбу лойиҳа доирасида туманда 2та мактаб барпо этиш режалаштирилган, бугунги кунда 1200 ўринлиси тўлиқ якунланди. Бу ерда 150та иш ўрни яратилади. Замонавий таълим муассасалари муҳандислик инфратузилмаси билан тўлиқ таъминланган. Умумий майдони 4,2 гектар бўлган мактаб қурилишини «Самұрық-Қазына Construction» ҲЖ амалга оширди. Ушбу таълим даргоҳи кутубхона, спорт зали, компьютер синфи ва мажлислар зали билан жиҳозланган.

Вилоят ҳокими мактаб биносида маҳаллий аҳоли билан учрашиб, ўзаро фикр алмашди. Таклифларни тинглаб, минтақани ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида гапирди.

Минтақани электр энергияси билан таъминлаш долзарб муаммо ҳисобланади. Вилоятдаги ягона энергия ишлаб чиқарувчи корхона – «Чордара сув электр станцияси». Бу ерда энергия манбаи ишлаб чиқарилади. Вилояти ҳокими Н. Кўшеров ушбу станция идорасига бориб, ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. Ва мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

**Туркистон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.**

# ЭНГ ЯХШИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ АНИҚЛАНДИ

**Жамоатчилик қабулхоналарининг фаолияти партиявий ишнинг энг муҳим йўналишларидан бири. Сайловчилар билан бевосита ишлашга устуворлик бераётган «AMANAT» партияси халқнинг овозига қулоқ солиб, жамият билдирган талабларни ўз вақтида бажарадиган сиёсий кучга айланди. «AMANAT» – жамиятда ижтимоий адолат тамойилларини ўрнатадиган, барча фуқароларга тенг имкониятлар яратилишини қўллаб-қувватлайдиган, жамият ва давлат фаровонлиги йўлида фаолият юритадиган фирқа сифатида шаклланиб, янги сиёсий маданиятни қарор топтирмоқда.**




Яқинда партиянинг вилоят филиали раиси Алтинсари Умбеталиев раҳбарлигида девон йиғилиши ўтиб, унда «Энг яхши жамоатчилик қабулхонаси» республика танловининг вилоят босқичи ғолиблари тақдирланди. Жумладан, Сайрам туман партия бўлими «Энг яхши жамоатчилик қабулхонаси» деб топилиб, иккинчи ўринга Қазиғурт, учинчи ўринга Ўрдабоши туман фирқа бўлимлари муносиб кўрилди. Шунингдек, саралаш босқичида фаоллик кўрсатган «AMANAT» партиясининг Сариоғоч, Тулкибош, Саврон, Тўлеби туманлари ҳамда Арис, Туркистон шаҳар филиалларига ташаккурнома ва совғалар топширилди.

– Вилоят партия филиалига қарашли жамоатчилик қабулхоналари орқали 2024 йилда 18 мингга яқин фуқаро мурожаатлари кўриб чиқилди. Рўйхатга олинган ариза ва мурожаатларнинг 64 фоизи ижобий ҳал этилди. Яъни, 11,5 мингдан ортиқ фуқаронинг талаб ва истаклари қондирилишига ҳиссамизни қўшдик. Шунингдек, ўтган йили 6,5 мингдан зиёд фуқаронинг мурожаатлари бўйича малакали ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Чекка ҳудудларда ташкил этилган тезкор сайёр жамоат қабуллари орқали аҳоли масалаларини вилоят марказига бормасдан, жойида ҳал этиш имкониятига эга бўлмоқда, – деди А. Умбеталиев.

Танлов натижалари фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш сифати, ижобий ҳал қилинган масалалар улуши, «DOCUMENTOLOG» ахборот тизимига маълумотларни киритиш, жамоатчилик қабулхоналари фаолияти, «Ҳуқуқий ёрдам» лойиҳаси доирасидаги хизмат кўрсатиш ва бошқа мезонлар бўйича аниқланди.

Вилоят босқичида ғолиб бўлиб, республика танлови йўлланма олган «AMANAT» партиясининг Сайрам тумани филиали жамоасини табриклаймиз!

**З. МЎМИНЖОНОВ.**

Бир туман хабарлари

# ИШЛАР ЖАДАЛ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

**Сайрам тумани ҳудуди ва аҳоли манзилларининг бош режалари тархини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. Ўтган йили Алаш, Ақарис, Асиларик, Байтерек, Қорасув, Қутарис, Қорабулоқ қишлоқларининг бош режаси тайёрланиб, топотасвирлар тасдиқланди.**

Айни пайтда тегишли муассасалардан рухсат олиш ишлари олиб борилмоқда. Бу ҳақда Сайрам тумани ҳокими Арман Сабитов раислигида ўтган йиғилишда туман қурилиш, архитектура ва шаҳарсозлик бўлими раҳбари Алибжан Ибрагимов маълумот берди.

Йиғилишда ўтган йили туманда архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида амалга оширилган ишлар ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўрсаткичлари борасидаги ахбороти тингланди. Шунингдек, у амалга оширилаётган жорий лойиҳаларни тақдим этди.

– Жорий йилда Жибек жўли, Ақбастов, Таскешув, Ширкин ва Интимақ қишлоқларининг бош режаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш режаланган. Лойиҳалар туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланади, – деди бўлим раҳбари.

Ўтган йили туманда 73250 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Умуман, туманда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, ижарага бериладиган уй-жойларни харид қилиш борасидаги ишлар жадал олиб борилмоқда. Мазкур масала туман ҳокими Арман Сабитовнинг доимий назоратида. Бугунги кунда Айтеке бий қишлоғида хусусий сармоядор ҳисобидан 1 гектар майдонда учта 2 қаватли ижара уйлари барпо этилмоқда. Мазкур қурилиш майдонидаги 80 хонадон тумандаги уй-жой навбатида турган фуқароларга тақсимланади.

Бундан ташқари, жорий йилда "Барыс Құрылыс" МЧБ томонидан Ақбастов қишлоғида жами 3та 2 қаватли ижара уйи қурилади. Мазкур лойиҳа "2023-2029 йилларда уй-жой коммунал инфратузилмасини ривожлантириш концепцияси" доирасида амалга оширилади.

**Сайрам тумани ҳокимининг матбуот хизмати.**

# Ортда қолсин эзгу иш...





**Бизнинг маълумот:** *Бахтиёр Анорметов 1961 йили 29 апрелда Шимкент шаҳрида туғилган. Муқимий номли 13-сонли ўрта мактабда, сўнгра Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек ва қозоқ филологияси факультетида таҳсил олган.*

*Меҳнат фаолиятини Сайрам қишлоғидаги 25-сонли ҳунар-техника билим юртида комсомол қўмитасининг котиби лавозимидан бошлаб, сўнг шаҳардаги 12-сонли мактабда ўқитувчилик қилди. 1982 йили – энг ёш комсомол сардори, 1985 йили – билим юрти директорининг энг ёш муовини, 1992 йили – туман ҳокимининг энг ёш муовини, 1998 йили – экология-гуманитар академияси президентининг муовини ҳамда проректори лавозимларида садоқат билан, ҳалол ва виждонан фаолият юритди.*

*Бахтиёр Қўрғонбой ўғли нафақат давлат, балки жамоат ишларида ҳам фаол, эл-юрт ҳурматини қозонган, обрў ва эътиборга сазовор зиёлилардан. 2012 йили Сариоғоч туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, 2013 йили Сариоғоч тумани фахрийлар кенгашининг ҳайъат аъзоси этиб сайланди. 2017 йилдан «С-Информ» республика рўзномасининг Сариоғоч туманидаги мухбири сифатида фаолият юритмоқда.*

**– Бугунги суҳбатимиз ҚХАнинг 30 йиллигига бағишлаб уюштирилди. Ушбу сана сиз учун қандай аҳамиятга эга?**

– Жорий йили ҚХАнинг 30 йиллиги нишонланади. Албатта, бу сана ватанимиз тарихида улкан аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари Қ. Тўқаев, таъкидлаганидек, кўп миллатли юртимиздаги сиёсий барқарорлик ва этнослараро ҳамжиҳатлик бебаҳо бойлигимиз. Сариоғоч туманида ҳам турли этнос вакиллари иститқомат қилади. 2012 йили ташкил этилган туман ўзбек этномаданият бирлашмаси ҳам озми-кўпми, жамиятда тотувлик ва бирликни таъминлашига ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, "Наврўз", "Сумалак сайли", "Алғыс айту" ва Қозоғистон халқининг бирлиги куни каби тадбирлар мунтазам ўтказилади. Айниқса, "Сумалак сайли" тадбири, муболағасиз, турли этнослар бошини қўшган дўстлик дастурхонига айланди. Ўтган йиллар мобайнида Ёндош Абдуқодиров, Шавкат Айдаров, Муҳаммад Пўлатов, Тоҳиржон Эргешов, Мақсудали Марасилов, Ғофир Эшматов, Баҳодир Рашидхўжаев, Расул Маҳмудов каби туман ўзбек этномаданият бирлашмаси жонкуярлари ва фаоллари билан кўплаб тадбирлар уюштирдик.

2013 йили "Навбаҳор" миллий дастаси ташкил қилинди. Ушбу гуруҳ туман ва вилоят миқёсидаги кўплаб танлов ва тадбирларда иштирок этиб, юқори натижаларга эришди. Жумладан, даста аъзолари Фахрий ёрлиқ, Ташаккурнома, эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Соғлигим панд бериб, бир неча йил муқаддам бирлашма фаолларидан мени раисликдан озод этишларини сўрагандим. Жамоат иши фидойиликни, жумладан, кўп вақтни талаб этади. Шунинг учун ҳам ўрнимга раисликка кўрсатилган номзодлар рози бўлавеpишмади. Ниҳоят, ўтган йили раисликка Бўрибой Кенесбоев сайланди. Унинг бирлашма фаолиятини самарали бошқаришига ишонаман...

**– Бахтиёр Қўрғонбой ўғли, сиз Шимкент шаҳрида дунёга келгансиз. Сариоғоч туманига қандай келиб қолгансиз?**

– 90-йилларнинг аввалида вилоят ижроия қўмитасида ишлардим. Сариоғоч тумани ҳокимининг ўринбосари лавозимига номзодим кўрсатилганида мутасадди орган раҳбарлари томонидан маъқулланибди. Шу тариқа Сариоғочга келиб қолганман. Шу жойда қанот ёздим, дўстлар орттирдим, фарзандларим дунёга келди, қуда-андалик бўлдим... Хуллас, ҳаётимнинг унутилмас кунлари шу замин билан боғланган.

Ёдимда, 1994 йили Сариоғоч ва Келес туманлари бириктириладиган бўлди. Энди бошқа иш излашимга тўғри келади, деб ўйладим, ўзимча. Лекин туман ҳокими Н. Сейтжаппаров ишонч билдириб, хизматимни давом эттиришимга имкон берганида бошим осмонга етган. Демак, меҳнат қилган одамнинг саъй-ҳаракатлари беиз кетмас экан. Бундан ортиқ бахт йўқ, назаримда.

**– "Мангу порлоқ сиймолар" китобингизда: "Инсон ҳаёти мобайнида орқасидан из қолдириб, ёниб, ёндириб яшаши ёки шунчаки, ивирсиб ўтиб кетиши мумкин", деб ёзгансиз...**

– Ҳа, барчамиз бу дунёга меҳмонмиз. Берилган қисқа вақтда, омонат ва фоний дунёда, ҳаётимизни эсда қоларли тарзда, муносиб яшаб ўтиш, фарзандларимизга ибрат бўлиш ва вақти келганда, биздан сўнг, улар ким билан суҳбатлашмасин, ёдга олганда, яхши инсон эди, ҳалол ва пок бўлган, деган ном қолдириш – катта бахт ва Яратганнинг бизга берган олий мукофотидир.

Китобда Сариоғоч туманининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётига баракали ҳисса қўшган Маҳаммадрасул Исоқов, Зеби Одилова, Имон Азимов, Абдуғаффор Абдуҳакимов, Муҳаммаджон Эрметов, Сайдиғани Сайдирасулов, Ниғматжон Холметов, Солиҳ Усмонов, Тўлаган Азимов, Хушнуд Носиров, Ўктам Қурбоналиев каби ўнлаб атоқли шахсларнинг умр йўли ва меҳнат фаолияти ёритилган. Қолаверса, Ўразкул Асанғазиева, Нурлан Сейтжаппаров каби элга таниқли шахслар билан бирга хизмат қилиш насиб этганидан мамнунман. Айниқса, Маҳаммадрасул Исоқовдан кўп нарса ўргандим.

*Ҳаётимда унутилмас воқеалар талай. Жумладан, 1993 йили Ўрдабоши тепалигида уюштирилган қозоқ халқининг улуғ даҳолари Тўлебий, Айтекебий ва Қазибекбийларнинг хотирасига бағишланган тантанада Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари Н. Назарбаев, И. Каримов, А. Ақаевлар Сариоғоч тумани номидан қурилган ўтовда меҳмон бўлишган эди. Шу жойда қардош халқларнинг Давлат раҳбарларига хизмат қилиб, мулоқотда бўлганим ҳам мен учун унутилмас хотирадир.*



Маҳаммадрасул ота ёниб, ёндириб ишлаган шахслардан бири. У вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига залворли ҳисса қўшди, оддий халқнинг чексиз ҳурматига сазовор бўлди. Одамларнинг турмуш тарзи, бахтли келажаги, манфаатини кўзлади, улардан ёрдамини аямади. Сариоғоч аҳли ҳануз уни зиёли, меҳр-мурувватли, сўзининг устидан чиқадиган, лафзи ҳалол, тиниб-тинчимас раҳбар сифатида эслашади, туман иқтисодини, айниқса, қишлоқ хўжалигини юқори поғонага кўтарган раҳбар сифатида қадрлашади...

**– Бахтиёр ака, оилангиз ҳақида гапириб берсангиз...**

– Авлод-аждодларимиз ҳақида "Аймат қараган" китобимда батафсил ёзганман. Бобом катта уста бўлганлар. Бу ҳунар меңга ҳам "юққан". Камина дурадгорлик қиламан, пайвандлашни ҳам бинойидек уддалайман. Бўш вақтимда эса набираларимга рубоб, дутор, доира каби миллий мусиқа асбобларига ижро санъатини ўргатаман. Турмуш ўртоғим Наргиза – муаллима. Оиламизда уч ўғил тарбиялаб, вояга етказдик. Ҳозирги кунда фарзандларимиз турли соҳаларда хизмат қилмоқдалар. Тўнғичимиз – Ихтиёр "Homebank"нинг туман филиалида, – Қаҳрамон Кўстанай шаҳри тергов қўмитасида, кенжамиз – Ислом тадбиркор, автомашиналарга бўёқ танлаш билан шуғулланади.

**– Самимий суҳбат учун ташаккур!**

**З. МЎМИНЖОНОВ**
**суҳбатлашди.**

**Тасвирда:** Бахтиёр Анорметов оила аъзолари даврасида.

**МУСОҲАБАМИЗ ҚАҲРАМОНИ ТЎҒРИСИДАГИ ЗАМОНДОШЛАРИНИНГ ФИКРИ**

**Жамоат арбоби, Парламент Мажлисининг VI-VII чақириқлари депутати Фахриддин Қоратоев:**
*"Бахтиёр Анорметов билан узоқ йиллардан танишмиз. У давлат хизматида суяги қотган моҳир раҳбар, шунингдек, очиқ кўнгил, меҳмондўст, шинаванда, айни пайтда адолатли ҳамда ҳақиқатпарвар инсон. Шу кунгача туманда "Жанубий Қозоғистон" газетасига обунасини уюштиришга беғараз ёрдам кўрсатиб келмоқда".*

**Сариоғоч тумани ҳокимининг ўринбосари Алдияр Қўзибаев:**
*"Бахтиёр Анорметовни устозим сифатида ҳурмат қиламан. У мафкура соҳасининг билимдони, одамлар билан самимий мулоқот қилувчи, муомаласи ва камтарлиги билан эл меҳри ва эҳтиромини қозонган инсондир".*



# 2025 ЙИЛДА СУБСИДИЯЛАР БЕРИЛМАЙДИМИ?

**Давлат қайси соҳалар учун субсидия тўлайди? 2025 йилда бу имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қоладими? Умуман, субсидия бериладиган давлат дастурларини биламизми?**

Ушбу мавзуда “Түркістан” тадбиркорларга хизмат кўрсатиш маркази раҳбари Мухит Ашимов билан мулоқотда бўлдик.

**– Бугунги кунда кимларга давлат томонидан имтиёз ёки бошқа қўллаб-қувватлаш чоралари мавжуд?**

– Ҳукумат фақат муҳим тармоқларга субсидия ажратиб келган. Булар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, кам таъминланган оилалар ва бизнес. Уй-жой таъминоти учун ҳам ёрдам тури мавжуд. Субсидия нима ўзи? Бу имтиёз, жисмоний шахсга ёки корхонага берилади. Одатда, у давлат ёки маҳаллий бюджет ҳисобидан тўланади. Субсидия иккига бўлинади. Биринчиси, аниқ шахсга ёки муассасага пул сифатида тақдим этилса, иккинчи тури – муайян маҳсулот ёки хизматлар нархини арзонлаштириб тўлашда давлат томонидан ёрдам сифатида кўрсатилади. Бюджетдан бериладиган субсидия бевосита қайтармаслик шарти билан, асосан, қишлоқ хўжалигидаги ширкат, хўжаликларга берилади. Сабаби, қишлоқ шароитида бизнес очиш осон эмас. Масалан, деҳқон ёки чорвадор бир вақтнинг ўзида тадбиркор ҳам бўлиши керак. У муайян бино қуриши, техника харид қилиши, асбоб-ускуналар таъминоти ва ҳоказолар билан машғул бўлади. Давлат эса субсидия ва имтиёзли насиялар ажратиш билан уни қўллаб-қувватлайди. Боиси, агробизнес ривожланса, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳам таъминланади. Масалан, оддий қишлоқ фуқароси бирорта фаолиятни бошламоқчи бўлса, аввало, асбоб-ускуна харид қилиши, цех қуриши ва яна бошқа кўплаб сарф-харажатлар талаб этилади. Давлат мана шу пайтда тадбиркор фаолиятини енгиллаштириш мақсадида махсус дастурлар ёрдамида унга субсидия ажратиб туради. Фақат бу маблағ бошқа эҳтиёжларга ишлатилмайди. Ва тадбиркор ҳам маълум бир муддат ичида дастур шартларини бажариши керак, акс ҳолда, тўланган субсидияларни қайтариб беришга мажбур. Мисол учун, фуқаро новвойхона очиш учун кўчмас мулк сотиб олди, энди ундан фақат нон ёпиш учун фойдаланиши керак, уни бошқа мақсадларга ишлатишга ёки ижарага беришга ҳақи йўқ.

Марказимиз бевосита тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Вилоятимиздаги кичик бизнес вакилларининг янги тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш, фаолият юритаётганларига молиявий ёрдам бериш мақсадида қуйидагилар амалга оширилади. Жумладан, кичик бизнес субъектларининг кредитлари бўйича фоиз миқдорининг бир қисмини субсидиялаш ва кафолатлар. Масалан, сармоявий мақсадлар учун энг кўпи 20 миллион тенгегача (3 йил муддатга) кичик кредитлар берилади. Бунда насия миқдорининг 8 фоизини тадбиркор тўлайди (шаҳарлик тадбиркор), қолган фарқи эса давлат томонидан субсидияланади. Катта ва кичик шаҳарларда, қишлоқ жойларда лойиҳаларни амалга оширадиган кичик тадбиркорлик субъектларининг фоиз ставкасидаги 7 фоизни (қишлоқ тадбиркори) ўзи тўласа, фарқини давлат субсидиялайди. Бундан ташқари, тадбиркор кредит миқдорини молиялаштиришнинг 85 фоизигача бўлган давлат кафолатидан фойдаланиши мумкин.

**– Мана шу жараённи оддийроқ қилиб тушунтириб берсангиз.**

– Дейлик, тадбиркор ўз бизнесига насия олиб, уни субсидиялаштиришни истади. Банк насия бериш тўғрисида қарор қилгач, “Даму” жамғармаси билан шартнома тузилади. Сўнгра жамғарма банкка субсидияни ўтказади. Бу ерда субсидиялар кредит миқдорининг бир қисмини қоплайди, масалан, агар банк ставкаси 20-25 фоиз бўлса, тадбиркор унинг 7 фоизини тўлайди, қолганини давлат субсиядиялаштиради. Давлат фақат бу билан ёрдам бермайди, балки кафолат сифатида ҳам қўллаб-қувватлайди.

**– Айланма маблағни тўлдиришда ҳам шунақами?**

– Айланма маблағни тўлдириш – бу товар сотиб олиш, етказиб берувчиларга ҳақ тўлаш, маош бериш, уй-жойни ижарага олиш, солиқ тўлаш ва бошқа шунга ўхшаш мақсадларга сарфланадиган маблағ. Бунга ҳам субсидия ажратилишини юқорида айтдим. 5 млн. тенгегача берилади.

**– Бугунги кунда Хусусий тадбиркор (ИП) давлатдан қандай ёрдам олади?**

– Бунинг учун Қозоғистонда “Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб қувватлаш учун ягона мажмуавий дастур” мавжуд. У “Даму” жамғармаси орқали амалга оширилади. Микро, кичик ва ўрта бизнес сарф-харажатларини қисман қоплаш, айланма маблағини тўлдириш, сармоялаш ва қайта молиялаштириш учун субсидия тўланишини юқорида таъкидладик. Кичик тадбиркорлик учун энг кўпи 20 млн. тенге насия берилса, бу кўпинча ХТларга, йирик бизнес вакилларига эса 15 млрд. тенгегача берилиши мумкин.

**– Давлат бизнесга шунча кўп маблағ сарфлашидан мақсад нима?**

– Аввало, янги иш ўринлари очилади, демак, солиқ ҳам кўпаяди. Бундан ташқари, мукофот миқдорининг бир қисмини субсидиялаш (яъни, тадбиркорларга бериладиган насия\ молиявий лизинг шартлари бўйича), энди бизнес бошлаган тадбиркорларга ва фаолият юритаётган тадбиркорларга ҳам кафолат давлат томонидан юритилади.

**– 2025 йилда бюджет ушбу мақсадларга қанча маблағ сарфламоқчи?**

– Жорий йилда таъкидланган қўллаб-қувватлаш дастаклари учун вилоят тадбиркорларига 60 млрд. тенге сарфланиши режаланмоқда. Умуман тадбиркорларга имтиёзлар ҳақида тўлиқ маълумот олиш учун марказга келган ёки сайтидан (online.damu.kz) фойдаланган маъқул. Бизда барча хизматлар бепул. Муассасамиз барча туман ва шаҳарларда ўз филиалларига эга. Давлатдан қандай ёрдам берилиши, зарур ҳужжатларни расмийлаштириш, бизнес режа тайёрлаш, бизнес режани молиялаштириш каби хизматларни тўлиқ амалга оширамиз.

**– Суҳбат учун раҳмат.**

**Н. МАВЛОНОВА.**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА НИМА ГАПЛАР?

**Дарвоқе, 2025 йилда қозоғистонлик агрохўжаликларга молиявий субсидия бериш тизимида ўзгаришлар юзага келди.**

Молия танқислиги боис энди 5 фоиздан ошмайдиган насия берилади. Субсидиялар маҳаллий ҳокимликлар зиммасида қолди. Уларни ҳокимликлар умумий сифатдаги трансфертлар орқали амалга оширишади. Лекин бу, давлат ёрдами батамом тўхтади дегани эмас. Масалан, илгари деҳқонлар баҳор-куздаги дала ишлари ва йиғим терим учун субсидия олиб келган бўлса, энди унинг ўрнига имтиёзли молиялаштириш тақдим этилмоқда. Илгари бу қоида асосида субсидия олиш учун агротузилма, қишлоқ хўжалиги бошқармаси ва банк ўртасида мураккаб тизим мавжуд эди. Эндиликда қоида анча соддалаштирилди ва икки томонлама шартнома тузиш кифоя. Бунга кўра, деҳқонга 5 фоизли насия берилади ва у бу пулни уруғ экиш, ҳосил йиғишгагина сарфлай олади. Энди бу ишлар билан маҳаллий ҳокимликлар шуғулланади, аризалар алоҳида кўриб чиқилади. Бу қоида тармоқни бевосита субсидиялашдан ҳаммабоп кам фоизли насиялаштиришга ўтиш деб аталмоқда.

Бундан ташқари, Қозоғистондаги агротузилмалар товар кредити олишлари ҳам мумкин. Давлатнинг бу ёрдам тури “Қишлоқ омонати” дастури доирасида амалга оширилади. Давлат қишлоқ аҳлига етиштирилган маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш бўйича инфратузилма барпо этишга ёрдам беради. Бунинг учун янги дастак тури – “маҳсулот насияси” (товарный кредит) жорий этди. Бунда товар ёки хизматлар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш (рассрочка) имкони пайдо бўлди. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ўргатадиган махсус марказлар очиш билан ҳам ёрдам беради.



Туркистон вилоятида бу ишлар қандай амалга оширилаётганини билиш мақсадида вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасига мурожаат этгандик, улар қуйидаги жадвални йўллашди.

## МЕҲНАТКАШЛАР УЧУН ҲАМ СУБСИДИЯ

Субсидиялар меҳнат бозорини ривожлантиришга ҳам ажратилади. Бу борада ҚР Меҳнат бозорини ривожлантиришнинг 2024-2029 йилларга мўлжалланган концепцияси мавжуд. Бу ҳақда, умуман, 2025 йилда Туркистон вилоятида амалга ошириладиган ишлар хусусида маълумот олиш учун вилоят бандликни мувофиқлаштириш ва ижтимоий дастурлар бошқармасига мурожаат қилдик.

Идоранинг матбуот хизмати берган ахборотлардан маълум бўлишича, бу йил вилоят фуқароларини сифатли иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида 2025 йилги “Минтақавий бандлик харитаси” ҳозирланган ва унга кўра 130769та иш ўрни барпо этиш режаланган. Жумладан, 45086 фуқаро субсидиялаштириладиган муваққат иш ўринлари билан таъминланади. Субсидияланадиган иш ўринлари бўйича “Ёшлар амалиёти” лойиҳаси доирасида 11052 нафар йигит-қизни иш билан таъминлаш режаланган. Йил охирига қадар 84та бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилади. Давлат раҳбари жорий йилни “Ишчи касблари йили” деб эълон қилди. Вилоятда бу ғояни тарғибот қилиш мақсадида барча туман, шаҳарлар ҳудудидаги йирик саноат корхоналарида 38та очиқ эшик кунлари ўтказилади.

## СУБСИДИЯЛАНГАН ИШ ЎРИНЛАРИ ДЕГАНИ НИМА?

Иш берувчилар бандлик марказидан фуқароларни иш билан таъминлагани учун субсидиялар олишади. Бу ҚР Ижтимоий кодексининг 111-моддасида белгиланган. Унга биноан иш берувчилар шартнома асосида ўз корхоналарида субсидияланадиган иш ўринларини барпо этишади. Бундай ўринлар оғир меҳнат шароитларига эга ёки соғлик учун зарарли ва хавфли корхоналарда очилмайди. Давлат иш берувчиларга бундай тоифадаги ходимларга тўлайдиган иш ҳақининг бир қисмини субсидия орқали тўлаб беради. Давлат субсидияси 6та йўналиш бўйича берилади. Жумладан, жамоат ишлари, ижтимоий иш ўринлари (вақтинчалик ишсизларни иш билан таъминлаш, электрон меҳнат биржаси ёрдамида), “Ёшлар амалиёти” лойиҳаси (энди диплом олган ёшларга дастлабки ёрдам тариқасида), “Биринчи иш ўрни” лойиҳаси (энди ишга жойлашган, иш тажрибасига эга бўлмаган ходимларга), “Авлодлар шартномаси” (пенсия ёшига етганлар билан ёш ходимларни алмаштириш), “Кумуш ёш” лойиҳаси (50 ёшдан ошганлар учун).

Ҳар бир йўналиш учун алоҳида талаблар, субсидия миқдори ва уни тўлаш муддати белгиланган. Масалан, “Ёшлар амалиёти” учун ажратиладиган субсидия ҳажми 30 ОҲК. Жамоат ишлари эса ишчилардан алоҳида касбий тайёргарликни талаб этмайди. Шунинг учун бу тармоқда ишсизлар, талаба ёшлар, юқори синф ўқувчилари (16-18 ёш, дарсдан ташқари вақтда), корхона вақтинча тўхтаб қолиши муносабати билан ишсиз қолган ходимлар бемалол ишлашлари мумкин. Фақат ёшлар учун ота-онаси ҳамда таълим даргоҳининг ёзма равишдаги розилиги талаб этилади. Жамоат ишларида ишлаш муддати 12 ой.

Мабодо бу соҳага оид саволлар бўлса, Туркистон вилоят бандликни мувофиқлаштириш ва ижтимоий дастурлар бошқармасига мурожаат этиш мумкин.

**Наргиза ЗАЙНИДДИН қизи.**

“Сўранг, жавоб берамиз!”

# УЙ-ЖОЙ СУБСИДИЯСИ

Мен кам таъминланган оила аъзосиман. Давлатдан эски уйимни таъмирлашга ва коммунал хизматларни тўлашга ёрдам сўрашим мумкинлиги ҳақида билдим. Бу масала билан қайси идора шуғулланади? Шу ёрдам тури ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз.

**Д. МАҲКАМОВА, Сайрам тумани.**

Сиз давлатдан сўрамоқчи бўлган ёрдам тури – уй-жой субсидияси деб аталади. У кимларга берилади? Қозоғистонда уй-жой субсидиялари аҳолининг кам таъминланган қатламларига берилади, яъни коммунал хизматлар ва уй-жой таъмири учун тўловлар ёки уни қисман қоплаш учун ажратилади. Ушбу ёрдам пулини олиш учун уй соҳиби – жисмоний шахс ўзи истиқомат қилаётган туманда доимий равишда рўйхатга олинган ва уй-жойи ҳам тегишли тартибда расмийлаштирилган бўлиши керак. Уй-жой субсидияси – коммунал хизматлардан сув, газ таъминоти, канализация, электр ва иссиқлик таъминоти, ахлатни ташиш учун ҳақ тўлашга ёрдам сифатида берилади. Ва бу меъёр белгиланган андазадан ошмаслиги керак, Жумладан, уйларни сақлаш ва коммунал хизматлардан фойдаланиш учун рухсат этилган юқори харажатларнинг улуши оила умумий даромадининг 10 фоизини ташкил этади. Масалан, электр энергиясидан фойдаланиш ҳар бир оила учун ойига 60 кВт миқдоридан ошмаслиги керак. Телефон учун абонент тўлови тегишли ҳудудда тасдиқланган нархга мувофиқ амалга оширилади. Агар хонадон газ баллонидан фойдаланса, унда газ таъминоти учун тўлов ҳар бир оилага битта газ баллони миқдори бўйича амалга оширилади. Давлат интернет, мобиль алоқа хизматлари, видеокузатув ёки домофон учун ҳақ тўламайди. Мабодо коммунал хизматлардан қарзлар бўлса, уларга ҳам ёрдам берилмайди.

Уй-жой субсидияси тайинланиши учун уй эгаси маҳаллий ҳокимликка ёки Аҳолига хизмат кўрсатиш марказига (онлайн – eGov электрон Ҳукумат портали) мурожаат этиб, ариза топширади. Агар оила аъзолари орасида ишламайдиган ёки ўқимайдиган, армияда хизмат қилмайдиган ва ваколатли бандлик марказларида рўйхатдан ўтмаган меҳнатга лаёқатли шахслар бор бўлса, улар бу субсидия турини олиш ҳуқуқига эга эмас. Агар ногиронлар ва сил, саратон касаллигига чалинганлар ҳамда бир неча ой давомида касалхонада ётиб даволанган фуқаролар (сурункали хасталар) бўлса, у ҳолда бу субсидия берилади. Шунингдек, 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари парвариши билан банд, 80 ёшдан ошган қарияларга ва 3 ёшгача бўлган болаларга ғамхўрлик қилаётган шахслар ҳам маҳаллий бюджетдан бу ижтимоий ёрдамни сўрашга ҳақли.

Субсидия миқдорини белгилашда мутасаддилар оиладаги маош, пенсия, алимент, нафақа ва шахсий хўжаликдан тушадиган даромадни ўрганишади. Бу ижтимоий ёрдам тури ҳамма вилоятларда ҳам йўлга қўйилмаган, боиси, у фақат маҳаллий бюджетлар имкониятига қараб берилади.

**Н. МАВЛОНОВА.**

# МӘМС ЖҮЙЕСІ ЖИНАҚТАУШЫ ҚОР ЕМЕС

2024 жылдың 12 айында Түркістан облысының денсаулық сақтау жүйесін қаржыландыру мәселесі және МӘМС жүйесі негізінде атқарылған жұмыстар жөнінде «Әлеуметтік медициналық сақтандыру қоры» КЕАҚ Түркістан облысы бойынша филиалы директорының м.у.а. Бағлан Тілектеске бірқатар сұрақтар қойған едік.

**– Қайырлы күн, Бағлан Базарбекұлы! МӘМС жүйесіне қандай қызметтер кіреді?**

– МӘМС жүйесі жинақтаушы Қор емес. Бұл – жарналар мен аударымдардың мөлшеріне қарамастан, пациенттердің медициналық қызметтерді толық көлемде алуын қамтамасыз ететін әлеуметтік жүйе.

**– МӘМС жүйесіне қатысу үшін төлем тәртібіне енген өзгерістер жайлы білгіміз келеді?**

– МӘМС төлемдері бойынша ставкалар өзгеріссіз қалды. Жұмыс берушілер қызметкер үшін жалақының 3% мөлшерінде аударымдар жүргізеді, бұл ретте салық салынатын ай сайынғы табыс 10 ЕТЖ (2025 жылы 850 000 теңге)дан аспауға тиіс, яғни жұмыс берушінің аударымдарының ең жоғары төленетін сомасы айына 25 500 теңгені құрайды. Бұл қаражат қызметкердің жалақысынан ұсталмайды, оларды жұмыс беруші кәсіпорын есебінен төлейді.

Кейбір азаматтар екі жерде жұмыс істейді. Бұл жағдайда төлемдерді есептеу үшін шекті табысты ескеру керек – ол 10 ЕТЖ (2025 жылы 850 000 теңге).

МӘМС-ке аударымдар әр жұмыс орнынан аударылады, бірақ 25 000 теңгеден аспауы керек. (850 000 теңгенің 3%).

Ал жарналарды есептеу кезінде барлық жұмыс орнынан түсетін жалпы табыс ескеріледі, яғни әр айға жарна 17 000 теңгеден аспауы тиіс (850 000 теңгенің 2%).

Қызметкер төлемдерді дұрыс есептеу үшін бірінші жұмыс орнынан екіншісіне анықтама тапсыруы керек.

**– Жеңілдік санатқа кімдер кіреді және қандай медициналық қызметтерді алуға мүмкіндіктері бар?**

– Қазақстандағы МӘМС жүйесі әлеуметтік сипатқа ие болғандықтан мемлекет 15 жеңілдік санатына кіретін азаматтар үшін жарналарды төлеуді жалғастыруда. 2025 жылы мемлекеттің бір азаматқа төленетін жарнасы айына 5852,63 теңгені құрайды (мемлекеттің жарналарын есептеу объектісінің 1,9%, яғни мемлекеттік статистика саласындағы уәкілетті орган айқындайтын ағымдағы қаржы жылының алдындағы екі жылға дейінгі орташа айлық жалақы).

**– Жүйедегі мәртебені қалай анықтауға болады?**

– Медициналық қызметтерді тұтынушының мәртебесін тексеру қызметі (сақтандырылған/сақтандырылмаған) енді Қазақстан Халық банкі, ЦентрКредит Банкі және Kaspi Bank мобильді қосымшаларына енгізілді.

**Махамаджан ДЖУМАНОВ, ЖШС “Ақ Ниет Plus” медицина орталығы директоры.**

# “БИЗНИ МАШЪУМ ҚИСМАТ БИРЛАШТИРДИ”

**15 февраль санаси Афғон тупроғида ҳарбий бурчини ўтаган ҳамюртларимиз, уларнинг оила аъзолари, умуман, кимнингдир тақдирига зиғирча дахлдор бўлган инсонлар учун ўзига хос қисмат куни, тақдирига туб бурилиш ясаган кун. Бу кунни орзиқиб кутган ҳамюртларимиз қанча. Йигитлик бурчини адо этиш чоғида Афғон тупроғида жонини таслим қилган не-не азаматларимиз руҳи покларини хотирлаш куни. Бу кун муқаддас, бу кун қадри азиз.**

Суҳбатдошим Тўйчибой Ҳайтметов ҳамда унинг оиласи учун ҳам ушбу кун жуда қадрли. Унинг ҳам тақдирига Афғон баҳорини кўриш, унинг ҳудудида юз берган қонли воқеаларга гувоҳ бўлиш битилган.

Тўйчибой Ҳожимат ўғли 1967 йили сўлим Қорамурт қишлоғида таваллуд топди. Киров номли мактабни тамомлагач, Тошкент шаҳридаги Автомобиль йўллари институтига ўқишга кирди. Автомобиль хўжалиги соҳасининг муҳандис-механиги ихтисослигини эгаллади. Олий таълим масканида олган таҳсили давомида йигитлик бурчини адо этишга ҳам муваффақ бўлди. Афғонистоннинг шимоли-шарқидаги Боғлон вилоятида хизмат қилди.

**– Талабаликни тугатмай, аскарликка кетган чоғингизда сизни айнан Афғонистонда хизмат қилишингизни оила аъзоларингиз билишганми? – сўрайман Тўйчибой акадан.**

– Афғонистонда хизмат қилишимни, даставвал, акам билган холос, ота-онам хизматимнинг иккинчи йили бундан воқиф бўлишди, – дейди суҳбатдошимиз. Т-62 танкида мўлжалга олувчи бўлиб хизмат қилдим. Афғонистон ҳудудида рўй берган жангларда иштирок этиш давомида, ўша юртнинг аҳолисига, яшаш шароитига алоҳида эътибор бердим. Кўп оилаларнинг аҳволи оғирлиги, болаларнинг оддий мактабда таълим олиш бахтидан мосуволигидан ниҳоятда таъсирландим. Халқи ҳақиқатан ҳам, юпун мамлакат эди. Икки йиллик аскарий хизмат кўп нарсадан менга ҳаёт сабоғини берди. Ҳаётнинг буюклигини, ундаги бор неъматларнинг қадрига етиб, тараққиёт сари шаҳдам қадам ташлаётган мамлакат фуқароси эканлигимни англаш янада буюклигига амин бўлдим. Бу инсонни камолот поғоналаридан юксакликка олиб чиқадиган пиллапоялар эканлигини тақдир такрор ва такрор исботлади. Масъулият ҳисси янада ортди.






15 февраль – Иттифоқ ҳарбийларининг Афғонистон ҳудудидан чиқарилган куни мен учун унутилмас хотира санаси. Қанча йигитларимиз ўша диёрда жон берди, совуқ мурдасини темир тобутда ота-онаси қабул қилиб олган оилалар яраси – битмас жароҳат. Дўстларингнинг ҳар бирининг ҳаётингда ўрни бор. Бироқ тақдирдош, полкдош дўстлар билан учрашиш, гурунглар ўтказиш завқи ўзгача.

Суҳбатдошимиз муҳандис-механиклик мутахассислигини ҳарбий хизматда олган кўникмалари билан гўзал уйғунлаштирган ҳамюртларимиздан. Олий таълим масканини тугатгач, фаолиятини ички ишлар органларида давом эттирди. Жанубий Қозоғистон вилоят Ички ишлар департаментининг қўриқлаш хизмати бошқармасида бўлим бошлиғи лавозимида анча йиллар фаолият юритди. Умр йўлдоши муаллима Гулмира Ҳайитметова билан уч фарзандни вояга етказишди. Тўнғич ўғли шифокорлик касбини улуғламоқда, қизи молия соҳаси мутахассиси, кенжаси Назарбаев Заковат мактаби ўқувчиси. Невараларнинг бахтли ва бошқаларга ўрнак бобоси.

Давлат полковник Тўйчибой Ҳайтметовнинг Афғонистондаги хизматини муносиб баҳолади – барча имтиёзларни тақдим этди. Уй-жой берди, пенсиясига ой сайин қўшимча тўловлар амалга оширилади, турли солиқлардан озод қилинган.

– Жорий йили ҳам Афғонистонда ҳалок бўлган сафдошларимизни хотирлаш кунини анъанага мувофиқ, Шимкент шаҳрининг Абай истироҳат боғидаги афғончилар хотирасига бағишлаб ўрнатилган ҳайкал пойида тантанали митинг билан бошлаймиз. Махсус “Инвалид” жамғармаси моддий ёрдами билан айнан ўша ҳарбий ҳаракатлар чоғида ногирон бўлган ёки оламдан ўтганлар хонадонларига бориб, махсус совғалар, озиқ-овқат саватларини тақдим этамиз. Дастурхон атрофида жамланиб, марҳумларни хотирлаймиз, бу анъана давом этаётганига жорий йил 36 йил бўлди – давом этади суҳбатдошим.

Нафақа ёшида бўлса-да, “Ветераны Афганистана” хусусий кузатув агентлигини бошқариб келаётган суҳбатдошим кўплаб хайрли ишларга камарбаста. Тақдирида Афғонистоннинг битмас яралари акс этган ҳамюртларимизга соғлик-саломатлик, оилавий бахт тилаймиз, ҳаёт қувончли онларини сизлардан дариғ тутмасин, деймиз.

**М. САЪДУЛЛАЕВА.**

Спорт

# “ҚОРАЧИҚ-М” МАКТАБИНИНГ ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ЮТУҒИ

**Қорачиқ қишлоғида фаолият юритаётган “Қорачиқ-М” умумтаълим мактаби директори Султонмурод Иброҳимов таҳририятга 8-синф ўқувчиси Қурбоной Мирзахонованинг халқаро миқёсдаги ғалабаси ҳақидаги хушхабарни етказди.**

Тароз шаҳрида спортнинг дзюдо туридан ўтган халқаро мусобақада Тожикистон, Қирғизистон, Ўзбекистондан келган рақибларини мағлубиятга учратган 44 кг вазн тоифасидаги Қурбоной Холбой қизи финал босқичида ғалабага эришиб, олтин медалга сазовор бўлди. Баракалла, ютуқ муборак!

Спортчи ўқувчи Қ. Мирзахонованинг сафар харажатларини мактаб таъсисчиси Ержан Мустафаев, мактаб директори Султонмурод Иброҳимовлар зиммаларига олиб, ҳомийлик қилишди.



Қурбонойнинг мураббийи – онаси Шоира Самиева. Спорт устаси, Осиё чемпиони Шоира Шаробиддин қизи ушбу мактабда дзюдо бўйича бепул тўгараклар ташкил этиб, ҳамқишлоқлари ҳурматини қозонмоқда. “Жанубий Қозоғистон” таҳририяти жамоатчи обуначимиз Султонмурод Суннатулла ўғлини ҳамда ўқитувчилар жамоасини улкан ғалаба билан муборакбод этади.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Тасвирда:** Қурбоной Мирзахоновани мактаб директори Султонмурод Иброҳимов, бобоси Шаробиддин Самиев ва волидаи муҳтарамаси Шоира Самиевалар қутлашмоқда.

«Ишчи касблари йили»

# КАСБЛАР ОЛАМИНИ ОЧАМИЗ




**Мавзуида касбни тўғри танлашга бағишланган ҳафталик Янги Иқон қишлоғидаги Ўткир Қудратов раҳбарлик қилаётган М. Улуғбек номли умумтаълим мактабида ўтди.**

Тадбир мактаб директорининг ўринбосари С. Шарофиддинова ва касбга йўналтирувчи муаллим М. Дадашовлар саъй-ҳаракатлари ила ташкил этилди. Иқтидорли ўқувчилар ўз тақдимотларини ҳимоя қилиб, саҳна кўринишларини намойиш этиш баробарида танлаган касблари истиқболи ҳақида қозоқ, рус, инглиз ва ўзбек тилларида батафсил маълумот беришди. «2025-йил — ишчи касблари йили», «Биз билмайдиган касблар» мавзусидаги тақдимотлар орқали ўқувчилар қимматли маълумотларга эга бўлишди. Тадбирнинг асосий мақсади – ҳар бир ўқувчи ўз қизиқиши, салоҳияти ва имконияти доирасида касб танлаб келгусида саодатли ҳаёт соҳиби бўлишидир. Фаол иштирок этган ўқувчилар, қўллаб-қувватлаган ота-оналар, ҳамда ўқитувчиларимизга миннатдорчилик билдирамиз.

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
**М. Улуғбек номли умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича бирлашма раҳбари.**
Саврон тумани.

**Тасвирда:** тадбир ташкилотчилари ва иштирокчилари.

# ҚАДРИ БАЛАНД АВЛОД МАСКАНИ

**Юлдузлар милтиллаб, осмон фонуси ой билан хамоҳанг нур таратаётган тун қўйнида сокин наво инсонни ўзига шайдо этади.**

Бу наво осудалик ва фаровон ҳаёт нашъаси билан жамланиб, гоҳо ширин хаёлотларга етаклайди. Айни шу ҳиссиётни бергувчи меҳр бу ватандир. Она юрт мисли қимматли Кўҳинур олмоси каби Ватан ичида яшагувчи фарзандлар учун жуда ардоқлидир. Ватанни севиш унга фидойи бўлиш, ўлимга, миллат ва она тупроқ шаъни учун ҳар қандай хатар юзига тик боқиш ҳақиқий Ватанга бўлган муҳаббатни англатади. Унинг шаъни-ю шарафини ҳимоя қилиш, номини улуғлаш учун узоқ тарих йўлини босиб ўтиш керак. Биз ана шундай аччиқ кунларни кўрган, азобини тотган миллатмиз. Мана шу улуғ неъмат қадрини англашимиз ёхуд озодлик деган тотли сўзни тушунишимиз даркор. Узоқ тарихга назар ташлар эканмиз, буюк салтанатлар пойдевори адолат устига қурилиб, қудрат ва шуҳрат топгани барчамизга аён. Буюк соҳибқирон бобомиз ҳам давлат асосини «Куч –адолатдадир» деган ғоя устига барпо этган. Ватанпарварлик, эзгулик каби туйғулар бизга бегона эмас. Мўътабар заминимиз Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва албатта, Алишер Навоийдек минглаб буюк ватанпарвар фарзандлари билан тарихда ўз ўрнини топган. Дунё аҳлини лол қолдирадиган буюк ўтмишимиз, шонли тарихимиз, маданият ва санъатимиз, қадрият-у анъаналаримиз шу улуғ аждодларимиз меҳнатининг ҳосиласидир. Тарихга бой серқуёш ўлкада яшар эканмиз, ўзимиздаги мавжуд имконият ва иқтидорни янада камол топтиришимиз, уларни амалда қўллай билиш орқалигина энг баланд марраларни эгаллашимиз, келажаги учун оз бўлсада нафи тегадиган инсон бўлиб улғаймоғимиз жоиз.

Қуёш эрта тонгдан нафис нурини, илиқ сеҳрини бахшида этаётган маҳали ҳар бир инсон қалбида ажиб бир туйғу туғён уради. Айни шундай хотираларни улашгувчи шу буюк маскан жигаргўшаси эканлигидан фахрланади инсон. Заминимизнинг ягоналиги ва бетакрорлигини асраш учун барчамиз бир ёқадан бош чиқармоғимиз даркор. Ҳаммамиз учун замонавий-дунёвий билимларни ўзлаштириб, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш, узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланмоғи жоиз.

«Ёшликда олинган билим –тошга ўйилган нақш кабидир», – деган нақл бот-бот бобо-момоларимиз томонидан таъкидланган. Ҳар ким ўзига берилган ана шу қисқа даврда олдига қўйган эзгу-мақсадлари сари мардонавор қадам ташлаши, улкан марраларни забт этишга ҳаракат қилиши керак. Бугун улғаяётган ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар, пухта билим олиш учун олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатларни баъзи давлатларда яшаётган болалар, ҳаттоки, тасаввур ҳам қилолмайди. Бизнинг юртимизда эса халқини севган, унинг тарихи ва дардини чуқур англаган Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ижобий ўзгаришлар, ислоҳотлар, тинчликпарвар сиёсат ёшлар маънавиятини юксалтиради.

**Шоҳида КАМОЛОВА,**
**«URKER» мактаби муаллимаси.**
Қарноқ қишлоғи.

**Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.**

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
**Муроджон АБУБАКИРОВ.**
**Авазхон БЎРОНБОЕВ.**

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

**Масъул шахслар:**

*Туркистон, Саврон* – **Шомирза МАДАЛИЕВ.** +7701-610-51-22.
*Қазиғурт* – **Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.** +7701-447-37-42.
*Сайрам* – **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.** +7702-278-96-90
*Тулкибош* – **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7747-144-60-71.
*Жетисай, Мақтарал* – **Мухтабар УСМОНОВА.** +7701-257-36-97
*Келес, Сариоғоч* – **Малика ЭЛТОЕВА.** +7702-841-78-82
*Кентов, Сўзоқ* – **Рўзиохун МАДАЛИЕВ.** +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

*● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.*
*● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

*Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.*

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

**Қозоғистон Республикасида тарқатилади.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳкўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
*Электрон почта: janubiy@inbox.ru*

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11700 нусха.

Буюртма: 374.

**Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.**